



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 15 март, шанба № 42 (1467)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ФЕРМЕРЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакли - деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, 1991 йилда Президентнинг «Республикада деҳқон (фермер) хўжалиқларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги Фармони ва бу борада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори қабул қилинди. Бу мамлакатимизда деҳқон (фермер) хўжалиқлари ташкил этилишига катта замин яратди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда мамлакатимизда 72 мингдан зиёд деҳқон ва фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 1998 йил 9 апрелда эълон қилинган «Хусусий тадбиркорлик, қишлоқ ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бундай хўжалиқларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, моддий-техника ресурслари билан таъминлаш, улар етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотишга қўмақлаш, юридик, техник-сервис хизматлари кўрсатилишини таъминлаш учун янада кенг йўللار очиб берди.

Шу йилнинг 28 феврал куни Оксарой қароргоҳида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам давлатимиз раҳбари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тараққиётида фермерликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталган эди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида деҳқон ва фермер хўжалиқлари раҳбарларининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда алоқадор вазирлик, компания, уюшма, суд, банк, молия, солиқ муассасалари, илгор деҳқон ва фермер хўжалиқлари раҳбарлари иштирок этди.

Қурултойда Президентимизнинг соҳа ходимлари олдига қўйган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан боғ-

лиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми анча кўпайди. Деҳқон ва фермер хўжалиқлари фойдаланаётган умумий ер майдони 1 миллион 600 минг гектардан ортди. Ҳозир ҳар бир фермер хўжалигининг ер майдони ўртача 22 гектарни ташкил этмоқда.

Биргина 2002 йилда мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг 30 фоизи, ғаланинг 41 фоизи, картошканинг 92 фоизи, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 83 фоизи, гўшт ва сутнинг 97 фоизи, тухумнинг 64 фоизи деҳқон ва фермер хўжалиқлари ҳиссасига тўғри келди.

Қурултойда эришилган ютуқлар эътироф этилиши билан бирга, соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликлар, муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Маҳаллий ҳокимият ва назорат идоралари томонидан деҳқон ва фермер хўжалиқлари фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тузилаётган шартномаларнинг барчаси ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Бундай ҳолатларнинг олдини олишда, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишда Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси янада фаолроқ иш олиб бормоғи лозим.

Қурултойда Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмасининг янги таҳрирдаги низомни қабул қилинди.

Қурултойда уюшманинг Фарғона вилоят вакиллиги раҳбари бўлиб ишлаб келаётган Соҳибжон Қобуллов Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси раиси этиб сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Н.Юсупов сўзга чиқди.

Олим НОРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ, ТЕГИШЛИ ВАЗИРЛИК, ИДОРА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСА РАҲБАРЛАРИ, ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ. ЙИГИЛИШНИ БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ, МАЪКУР КЕНГАШ РАИСИ Х.КАРОМАТОВ БОШҚАРДИ.

КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Мажлисида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2001-2002 йиллардаги фаолияти ҳақида кенгаш масъул котиби - «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев ҳисоботи тингланди.

Йиғилишда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойилларини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш билан боғлиқ долзарб вазифалар муҳокама этилди. Бугунги мураккаб даврда ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъси-

ридан асраш, юртимизда қарор топган тинчлик-товуқлик, ўзаро ҳамжихатлик муҳитини янада мустақамлаш, одамларда ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш, юксак дунёқарашни шакллантириш учун маънавият ва маърифат ташкилотлари фаолият олиб бориши лозимлиги таъкидланди. Жойларда тарғибот-ташвиқот ишларининг талабга жавоб бермаслиги, билим савбаси юқори, ҳаёт тажрибасига эга бўлган фалон ва зиёлилар бу ишга кенг жалб этилмаётгани танқид қилинди. Йиғилиш иштирокчилари маънавий-маърифий тарғибот ишларидаги камчилик ва нуқсонларни бар-тароф этиш бўйича ўз тақлиф-мулоҳазаларини

билдирдилар. Мажлисида ташкилий масала кўрилди. Қуддус Аъзамов Республика Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби - «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари этиб сайланди.

Кенгаш йиғилишида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

Шу куни Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузуридаги «Олтин мерос» халқроқ хайрия жамғармаси бошқарувининг ҳам мажлиси бўлиб ўтди. Унда маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарининг 2001-2002 йиллардаги иш якуналари кўриб чиқилди ҳамда, фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

Мажлисида ташкилий масала кўрилди. Амиркул Каримов «Олтин мерос» жамғармаси бошқаруви раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов иштирок этди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Х.Комилмовни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Абдулазиз Ҳафизович Комилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2003 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А.Х.Комилмовни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи-сиёсий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи-сиёсий масалалар бўйича Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2003 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

С.С.Сафоевни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Содиқ Солиҳович Сафоев Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2003 йил 14 март

Ҳашар элга ярашар

БОҒЛАР БАРПО ЭТИЛАДИ

Қашқадарёликлар Обод кўкмада 1,5 миллион тўп кўчат экилади. Ҳар бир маҳаллада мевозор боғ яратиш режалаштирилган. Косон туманидаги «Ўзбекистон» хўжалигида 10 гектарлик майдонда «Оналар боғи» барпо этилди. Касби туманидаги Ш.Рашидов, А.Навий номи, «Талишбе» жамоа ширкат хўжалиқларининг ҳар бири Обод маҳалла йилга бағишлаб 5 гектарлик мевали дарахт кўчатлари экилади.

Вилоятда санитария-эпидемиология вазирати янада яхшилаш, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга қаратилган кўкмағи ишлар кизгин тус олади.

Воҳанинг 500дан ортқ қишлоқ маҳалла кўмиталари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш хашарини ўтказишга бошчилик қилишяпти. «Маҳалла», «Нуроний» ва «Наврўз» хайрия жамғармаларининг муражаъномаси меҳнат маромига янги куч бахш этди.

Вилоят ўрмон бошқармаси, Қарши туманидаги Т.Мирзаев номи ширкат хўжалиги, Қарши шаҳар кўкаламзорлаштириш корхонаси томонидан турли мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ва гул кўчатлари етказиб берилди.

Қашқадарёда бу йилги кўкмада 1,5 миллион тўп кўчат экилади. Ҳар бир маҳаллада мевозор боғ яратиш режалаштирилган. Косон туманидаги «Ўзбекистон» хўжалигида 10 гектарлик майдонда «Оналар боғи» барпо этилди. Касби туманидаги Ш.Рашидов, А.Навий номи, «Талишбе» жамоа ширкат хўжалиқларининг ҳар бири Обод маҳалла йилга бағишлаб 5 гектарлик мевали дарахт кўчатлари экилади. Вилоят марказининг «Чарқар», «Команди», «Қиличбек» жамғармаларининг муражаъномаси меҳнат маромига янги куч бахш этди.

И.ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.



Шифокорлик кишидан катта масъулият, билим ва сабр-матонат талаб этадиган касб. Бир неча ўн йиллардан буён ўз касбини ардоқлаб келаётган Наманган шаҳридаги биринчи туркунона гинекология бўлими мудири, олий тоифали шифокор Луиза Рафиқова бирча кўли энгил доя сифатида ҳурмат қилади. Зеро, ўз фаолияти давомида минглаб ҳаётларнинг дунёга келишига доялик қилган Л.Рафиқова ҳали-ҳануз ўқиб-ўрганишдан, излашдан чарчамайди.

Суратда: ўз касбининг устаси Луиза Рафиқова ҳамкасблари билан.

ЎЗАЛЛИК, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛИНИШ ФАСЛИ — БАҲОР ҚЕЛИШИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АВЖ ОЛДИ. АЙНИҚСА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОИШИГА КЎРА МАМЛАКАТИМИЗ БЎЛАБ ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ ҲАМДА 15 МАРТ КУНИНИ УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ХАШАРИ КУНИ ДЕБ БЕЛГИЛАНИШИ ХАЛҚИМИЗНИ ЭЗГУ ВА ХАЙРЛИ ИШЛАР САРИ ЯНАДА РУҲЛАНТИРДИ.

БИЗ ҲАМ БИР ЁНДАН

Умумхалқ хайрия хашарига Ўзбекистон касабалари уюшмалари ҳам алоҳида таратқул билан қўшилди. Барча вилоят, шаҳар касабалари уюшма кенгашилари, туман ва вилоят кўмиталари ушбу тадбирда фаол иштирок этадилар. Хусусан, Фарғона вилояти касабалари уюшмалари Кенгаши хашарини уюшқоқлик ва яқдиллик билан ўтказиш ниятида ўз дастурларини ишлаб чиқди. Унга асосан вилоятдаги барча қорхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари умумхалқ хашарига жалб этилади. Бугун кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва тозалик тадбирлари амалга оширилади. Барча маҳаллаларда гулзорлар барпо этилиб, кўчаларни обод этиш, худудларни тозалаш билан биргаликда дарахт кўчатлари экиш, таъмирталаб жойларни суваш, оқлаш каби ишлар амалга оширилади. Касаба уюшма фаоллари бу ишларда бош-қош бўлиб, бевосита ташаббус кўрсатадилар. Қорхона ва ташкилотлар томонидан умумхалқ хашари куни туман маблағ маҳаллаларини ободонлаштириш ишларига сарфланади.

Самарқанд вилоят касабалари уюшмалари ташаббус билан эса 13 та маҳаллада 900 туп манзарали, 766 туп мевали ҳамда 760 тупдан зиёд турли гул кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари, касабалари уюшмалари томонидан ташкилотлар, гузарлар ва маҳаллаларда тозалик ва ободонлаштириш ишлари ҳам уюштирилади.

«Тошшаҳарга таъминот» шўъба қорхонаси маъмурияти ва касабалари уюшмаси ҳам умумхалқ хашари олдидан алоҳида тадбирлар бел-

гилаб, ҳар бир «Туманга таъминот» ташкилотларида миллий кадриятларимизга хос орасталик, табиатни асраб-авайлаш, экологик муҳитни яхшилаш каби юксак ҳислатларни ҳар бир ишчи-хизматчи қалбида уйғотиш ниятида йиғилишлар ўтказилди. Унда ишчиларнинг ўзлари ташаббус билан чиқиб, умумхалқ хашаридан

Касаба уюшма тадбирлари

тушган маблағ маҳаллаларини обод этиш, болалар спортини ривожлантириш, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланишини қўллаб-қувватладилар.

Халқимиз азал-азалдан Наврўз байрами олдидан хашарлар уюштириб, савобли амалларни бажарган. Бу кадриятлар Истиклол туфайли юртимизга қайтганидан бехад хурсандмиш, - дейди «Тошшаҳарга таъминот» шўъба қорхонаси бош муҳандиси Собиржон Қўчаров. - Бугун қорхонамиз ишчилари қалб даввати билан хашарга овланмоқдалар. Уларнинг нияти юртимизнинг янада обод, маҳаллаларни кўркам бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишдир. Чунки обод маҳаллада келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимиз тарбия топадилар.

Пойтахтимиздаги Манзарали боғдорчилик ва гулчилик унитар қорхонаси ишчи-хизматчиларининг ҳам ниятлари юртимизни янада обод этиш ва кўкаламзорлаштириш, гўзал Тошкентимизни гуллар шаҳрига ай-

лантиришдир. Чунки, бу ерда шаҳаримиздаги барча қорхона ва ташкилотларга, маҳалла гузарлар, хонадонларга манзарали, мевали, игнабаргли дарахт кўчатлари, буталар, гул кўчатлари, хонаки гуллар етказиб берилди. Таъбир жоиз бўлса, бу маскан кишини-ёзини чаманзор.

Умумхалқ хашарига диёримизни обод этиш, кўкаламзорлаштириш мақсадида қорхонамизда етиштирилаётган турфа гуллару дарахт кўчатларини ҳада этиш билан ҳисса қўшаётганимиздан бехад мамнунмиш, - дейди қорхона бош ҳосилоти Абдувоҳид Каримов. - Обод маҳалла йилда уч миллион тупдан зиёд гуллар, кўчатлар етиштириб берамиш. Мақсадимиз — ҳамюртларимизга гўзаллик улаштириш.

Тошкент вилоятининг Чиноз туманида жойлашган «Чинозтўқимачи» кўшма қорхонаси меҳнаткашлари ҳам хашарни кўтарикни руҳда ўтказишга аҳд қилишти. Ушбу кўшма қорхона маъмурияти ва касабалари кўмитаси хашар куни тушган маблағни маҳаллаларда болалар учун спорт майдончалари барпо этишга сарфлайдилар. Бундан ташқари, улар хайрия тадбирларини ҳам белгилаб, туман фахрийларининг футбол жамоасини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар.

Наврўз халқимизга ризқу рўзи олиб келади, - дейди «Чинозтўқимачи» кўшма қорхонаси касабалари уюшма кўмитаси раиси Саиджон Фафоров. - Умумхалқ хашарига ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида, қорхонамиз худуди билан биргаликда туман маҳаллаларини обод этишга ҳам ҳаракат қиламиш.

Бундай тадбирлар мамлакатимиздаги барча қорхона ва ташкилотлар, касабалари уюшма кўмиталарида бўлиб ўтади. Умумхалқ хашари халқни эзгу ишлар атрофида бирлаштириди, ишларни биргаликда, жамоа бўлиб ишлашга, барча ишларни ҳамкорликда бажаришга ўргатади. Бу эзгу ишлардан эса мамлакат обод бўлиб бораверади.

Мухаббат УРМОНБЕКОВА, ЎЗКУФК МАТБОУТ Котиби.

НАВРЎЗ ЭСТАФЕТАСИ

Мамлакатимизда ёшларни оммавий спортга жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида Наврўз байрами арафасида эстафетали югуриш умумхалқ ҳафталиги ўтказилмоқда.

Мусобақаларни Андижон, Фарғона, Самарқанд, Жиззах, Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ўтказиш кўзда тутилган.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган эстафетали югуриш мусобақасида мингдан зиёд талаба ёшлар ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Мусобақа якунига кўра олий ўқув юртлари ўртасида Самарқанд Давлат университетини спортчилари биринчи ўринни эгаллади. Коллежлар ўртасида эса голиблик Самарқанд шаҳар олимпия захиралари коллежи талабаларига насиб этди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида Самарқанд шаҳридаги 37-51-, 28-мактаблар ўқувчилари совринли ўринларни қўлга киритди.

Фолибларга ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

(ЎЗА).

Мухбир нуқтаи назари

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Лекин хўжалик нега йилни зарар билан якунлади?

Ширкат хўжалиқлари билан «Агрокимтаъминот», МТП ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларда бир тарафга кўпроқ имтиёз берилгани кузатилади. Айниқса, бунда хизмат кўрсатувчи, таъминотчи қорхоналарнинг жавобгарлиги таъминланмаётир. Бунинг сабаби маъкур қорхоналар ҳар бир туманда биттадан бўлиб, монопол устунликка эга. Оқибатда, деҳқонлар, ширкат хўжалиқлари мутеликка мажбур бўлиб қолишмоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни амалга ошириш борасидаги Ўзига хос депенсининг яна бир сабаби молиявий ҳисоб-китобларда икки интизомга қатъий риоя қилинмаётганидир. Натижада ширкат хўжалиқлари кредит-торлик қарзлари гирдобидан чиқиб кетолмаётгани. Пайкар туманидаги «Со-

ҳибкор» ширкат хўжалиги ҳам шу аҳволга тушиб қолди. Утган йили хўжалик деҳқонлари 94 гектарда ғалла, 165 гектарда пахта парвариш қилишти. Шартномавий режалар бажарилди. Лекин хўжалик ғаллачиликдан 3 миллион 281 минг сўм, пахтачиликдан 13 миллион 120 минг сўм зарар кўрди.

Бунинг сабаби молиявий ҳаражатлар тўлиқ ҳисобга олинмаганидир, - дейди бошқарув раиси А. Шодиёв. - Чунки дала юмушларидан ташқари ўғитни, ҳосилни ташиш, зовур қазиб каби бошқа ишлар ҳам бор. Булар ҳам ҳаражат талаб қилади. Бундан ташқари, хўжалигимиз ерларида насос билан сув чиқарилади. Утган йили об-ҳавонинг серёғин келиши оқибатда гўзага белгилангандан кўпроқ ишлов берилган тўғри келди. Мана шуларнинг таъсирида маҳсулот таннари анча ортди.

Бунинг устига ўтган йили етиштирилган пилла ҳосили

Р. КУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Истиқлол берган имкон

КОРХОНА ЭНДИ ЭКСПОРТГА ИШЛАЯПТИ

«Сурхонтекстиль» ип-йигирув фабрикаси вилоятдаги иқтисодий жиҳатдан тобора юксалаётган корхоналар сирасига киради. Унда 1384 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Улар вилоятда етиштирилган пахта хомашёсидан қалава ип, мато тайёрлашади. Фақат ўтган йилнинг ўзида жамоа 1632 тонна қалава, 8895 минг погон метр мато ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Меҳнат унумдорлиги 112 фоизни ташкил этмоқда.

Эришилаётган муваффақиятларнинг муҳим омилларидан бири корхонада иш берувчи ходимлар ўртасидаги меҳнат шартномасига амал қилинаётганлигидир. Шу боис корхонага ҳар бир ходим кўтаринки кайфият билан қадам ранжида қилади. Цехларда тозалик ва орасилик. Махсус кийимлардаги ҳар бири 4-5 тадан йигирув дастгоҳининг бир маромда ишлагани таъминлаётган хотин-қизларнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Ходимларнинг аксарияти ёшлар бўлиши қарамасдан ўз касбларининг чинакам фидойиси, дейиш мумкин. Ана шундай самарали меҳнат натижасида ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорликлари ошмоқда. Яқунланган йилда уларнинг ўртача ойлик маошлари 33 минг сўмдан ошиб кетди. Муҳими, ойлик маош ойма-ой бериб борилишига муваффақ бўлинмоқда.

Ўтган йили ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш учун 12 миллион 325 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Бу пуллар махсус кийим ва химоя воситалари, сут маҳсулотлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларига сарфланди.

Касаба уюшма кўмитамиз маъмурият билан ҳамкорликда фаолият курсатаётганлиги муаммоларни тез ва ижобий ҳал этиш имконини бермоқда. Асосий эътибор ходимларнинг меҳнат қилишлари учун қулай шароит яратиш, ойлик маошларининг ўз вақтида

берилишига эришиш, дам олдириш ва соғломлаштиришга қаратилмоқда. Ўтган йили ишлаётган ва ҳозир нафақада бўлганларга 332 минг сўмлик, Наврўз байрами арафасида қария ва боқувчисини йўқотган оилалар ва байналмилалчи жангчиларга 500 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-хизматчиларнинг 50 нафари «Сурхон», «Жайронхона», «Ботаника», «Умид Гулшани» каби сихатгоҳларда дам олиши, саломатликларини муштақамладилар.

Жамоа шартномасида белгиланган тадбирлар маъмурият билан келишилган ҳолда амалга оширилганлиги боис, унинг ижроси осон кечмоқда. Бу ерда гап фақат меҳнат муҳофазаси, ойлик маошларнинг ўз вақтида берилиши, моддий ёрдам кўрсатиш, рағбатлантириш ҳақидагина эмас, балки маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этишда ҳамдир. Ўтган йили спорт фахрийси Жўраев хотира турнири учун цехлар ҳамда бўлимлар ўртасида мини футбол мусобақаси ўтказилди. Унда йигирув цехи биринчи ўринни олди. Мустақилликнинг ўн бир йиллигига бағишлаб ўтказилган тармоқ касабаси уюшма Марказий Кўмитанинг III спартакиадасида жамият мини футбол жамоаси республикада фахрли учинчи ўринни эгаллаб, диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Жамиятга қарашли «Пахтакор» ўйингоҳида спортнинг футбол, енгил атлетика турлари бўйича мусобақалар ўтказиб турилади. Корхона худудини ободонлаштириш ва кўчалар зорлаштириш ишларида жамоанинг барча аъзолари фаол иштирок этмоқдалар. Ўтган йили корхона худудига 5 миллион 184 минг сўмлик ҳар хил манзарали, мевали дарахт, гул кўчатлари экилиб, катта ҳажмдаги ободончилик ишлари амалга оширилди.

Хар йили корхонамизда умумхалқ шодийнаси Наврўзи олам шоду хуррамлик билан нишонланади. Дошқозонларда сумалак қайнатилиб, дастурхонни миллий таом ва ҳар хил пиширилган безайди. Куй-қўшиқ, рақслар, миллий спорт ўйинлари барчага хуш кайфият, куч-ғайрат бахш этади. Касаба уюшма кўмитаси маъмурият вакиллари билан биргаликда меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларда бўлишиб, уларга байрам совғаларини улашадилар, моддий ёрдам кўрсатилади. Касаба уюшма кўмитасининг маъмурият билан ҳамкорликда Наврўз байрамини нишонлаш тўғрисидаги бу йилги тадбирларида ҳам ана шундай хайрли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр ичида корхонамизда янги ускуналар ўрнатиш, кўшимча иш ўринлари яратиш, чет эл технологиясини жорий этиш ва корхонанинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида кўплаб ишлар қилинди. Бунинг натижасида бултур экспорт қилинган маҳсулотлар 200 минг АҚШ долларини ташкил этди. Яқинда олиб келинган янги асбоб-ускуналар ишга тушган, бу миқдор янада ортади.

Жуманазар КОДИРОВ, «Сурхонтекстиль» хиссадорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси раиси.

Дилором Ҳожиева ўша куни ҳам одатдагидек соат 8 бўлмасдан корхона дарвозасидан кириб келди. Юқорига кўтарилиб хонасига яқинлашаётганида, бир четда жимгина турган Ҳалима онага Файзуллаевага кўзи тушди. Икки йил бурун нафақага чиққан опанинг кам таъминланган оила бекаси эканлигини биларди. Шу боис имкон қадар кўмак кўрсатишга интиларди. Балки, бугун ҳам ёрдам сўраб келгандир.

ПЕНСИОНЕРГА ЯНГИ УЙ

Дилоромхон Ҳалима опа билан қуюқ сўрашди ва иш кабинети сари бошлади. Опани диванга ўтқизиб, ўзи ёнига қўчиб кўзларига тикилди. Кутилмаганда опанинг киприкларидан ёш халқаланди.

— Шўримиз қуриб қолди, жон синглим, — деди опа ич-ичидан эзилиб. Сўнг пиқиллаганича давом этди. — Уйимиз ёниб кетди. Қаерга сигаимиз энди? Икки кундан кейин куз, ундан сўнг киш...

— Нима сабабдан шундай бўлди? Учириб қолишолмадимиз ёнгини?

— Электрдан, ярим кечада учкун чиққан, дейишди. Роса уринишди. Қўни-қўшнилари ҳам ёрдамга қиқиб, лаш-лушларнинг бири қисмини аранг ташқарига олиб чиқишга улгурдик.

— Ортиқча куйинманг, барибир, жойига келмайди энди. Мана, корхона бор, касабаси уюшма бор, қараб турмаймиз.

Шу куни касабакўм раиси бошчилигида махсус гуруҳ тuzилди. Улар корхонанинг собиқ ишчиси Ҳ.Файзуллаева хонадорига боришди ва амалга ошириладиган ишларни режалаштиришди. Қарабсизки, маъмурият

ва касабаси уюшма кўмитасининг бир ёқадан бош қиқариб қилган ҳаракати туфайли икки ой ичида уйи ёниб кетган нафақаддаги Ҳалимахон Файзуллаева оиласи янги иморатга кўчиб кирди.

Намангандаги «Нотўқимачи» хиссадорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси фаолиятдан бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кўмитаси унинг жонқуяр, тиниб-тинчимас раиси Дилором Ҳожиеванинг ташаббуси ва ташкилотчилиги орқасида меҳнат ахлини ижтимоий химоялаш, ўзи ва оила аъзоларининг саломатлигини муштақамлаш, бошига ташвиш тушганда, қувончли дамларида кўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар қилинмоқда. Ўтган йили 15 нафар ишчи-хизматчи кексалик нафақасига кузатилди. Уларнинг кутлуг ёшлари муносабати билан тўқин дастурхонлар ёзилиб, жамоага ош тарқатилди. Корхонада узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган отахон-онахонларга катта ҳурмат-эътибор кўрсатилди. Уларни дам олиш уйлари ва санаторийларга жўна-

Бор бўл, меҳру оқибат!

тиш, мамлакатимизнинг зиёратгоҳ жойларига саёҳатлари, бай-

КОРАҚАЛПОҚ

ЎТОВИ - ЧИМКЕНТГА

Қонлиқўл - хунарманлар юрти. Бу ерда тайёрланаётган ўтовлар, қорақалпоқ миллий буюмлари, уй-рўзгор жиҳозлари азалдан маълум ва машҳур.

Туманда иш бошлаган «Қонлиқўл-Кедр» Ўзбекистон-Қозоғистон қўшма корхонаси маҳаллий аҳолидан ташқари буюртма асосида чимкентликлар учун ҳам ўтов ясай бошлади.

— Азал-азалдан ўтов ясашининг ўзи бир санъат, — дейди қўшма корхона раҳбари Қўмек Қулмуротов. — Кигиз, оқ ва қизил безаклар, керега, чангароқ ва ёлпичиқ каби жиҳозлардан иборат ўтов чўпонлар, йўлсозлар ва геологлар учун айниқса қулай бошланадир. Асосан ўзимизда мавжуд бўлган тол, терак ва жанаут дарахтидан фойдаланамиз.

Ж. ОБИДОВ. (ЎЗА).

Ижтимоий ҳимоя

УЧИНЧИ СМЕНАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

«Учқўрғон» пахта тозалаш хиссадорлик жамияти туманда илгор жамоалардан ҳисобланади. Корхонада инсон омилига катта эътибор берилди. Бу маъмурият ва касабаси уюшмаси билан имзоланган жамоа шартномасида ҳам ўз аксини толган.

Ҳозирда жамиятда 311 нафар киши уч сменада меҳнат қилмоқда. Ишчиларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Маънавият ва маърифат хонаси, кутубхона, дам олиш хонаси уларнинг ҳимоясида. Бир маҳал иссиқ овқат, сут-қатик бепул берилмоқда. Ходимларнинг меҳнат муҳофазаси жамоада яхши йўлга қўйилган. Бу борада семинарлар, ўқувлар ташкил этилган. Умуман, меҳнат муҳофазаси учун ўтган йили 19 миллион 474 минг сўм маблағ сарфланди.

Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги бўлиб, унда 30 бош қорамол парваришланмоқда. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчи-ҳодимларга даромад ҳисобидан моддий кўмак, турли байрам тадбирларида эса гўшт маҳсулотлари имтиёзли нархларда тарқатилмоқда.

— Жамоа келишувимизда кўшимча ишчи ўринларини яратишни ҳам кўзда тутган эдик, — дейди касабаси уюшма кўмитаси раиси Раҳима Ҳожибобоева. — Ҳозирги кунда янги ташкил этилган гилам тўқув цехида 20 нафар хотин-қизни иш билан таъминлашга эришдик.


Жамоада узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб, ҳозирда нафақада бўлган 180 нафар меҳнат фахрийси ҳам касабаси уюшмаси назаридан четда қолмаётди. Улар байрамларда бир пиёла чойга тақдир этилиб, моддий жиҳатдан кўллаб-қувватланмоқда. Корхона ишчилари сафида чернобилич, байналмилалчилар ҳам бўлиб, жамоа шартномасида уларга алоҳида имтиёзлар белгиланган.

Ўтган йили ишчи-хизматчиларнинг 30 нафар фарзандлари турли оромгоҳларда дам олдирилди. Бир неча меҳнаткаш эса санаторийларда бепул йўланма билан соғлиқларини тиклаб қайтишди. Умуман, ишчи-хизматчиларнинг саломатликлари доимий эътиборда бўлиб, бир йилда икки марта табибий қуриқдан ўтказиб турилибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамоада спорт тадбирлари яхши йўлга қўйилган. Биргина, спорт анжомлари харид қилиш учун ўтган йили 487 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Ҳаттоки, корхонанинг спорт майдончаси мавжуд.

Волейбол, мини футбол, теннис, шохмат-шашка ишчиларнинг доимий машғулотига айланган. Ходимлар турли мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» мухбири.



Шу йилнинг октябр ойида буюқ аллома Абдухалиқ Гиждувонийнинг 900 йиллик юбилейи халқро миқёсда кенг нишонланади. Шу муносабат билан аллома туғилган гўша Гиждувон туманида кенг кўламда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, юбилей муносабати билан Гиждувон пахта тозалаш заводи янги бинога кўчирилди. Янги завод биноси қисқа фурсатларда атиги олти ой мобайнида қуриб битказилди. Ўтган йилнинг октябр ойида фойдаланишга топширилган ушбу корхонада айни кунларда тайёрланаётган толаннинг 98 фоизи хорижага экспорт қилинмоқда. Айниқса, Италия, Англия, Жанубий Корея, Россия, Швейцария мамлакатларида Гиждувон толасига эҳтиёж ортиб бормоқда.

Суратларда: корхона фаолиятдан лавҳалар.

С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

«САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ»

Тошкентнинг шимолий темир йўл вокзалдан «Экосан» халқаро жамғармасининг навбатдаги «Саломатлик поезди» Хоразм вилоятига йўл олди.

— Жамғарма томонидан Оролбўйи минтақасидаги кишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш мақсадида «Экосан» маҳаллада дастури ишлаб чиқилган эди, — деди жамғарма раиси Юсуф Шодиметов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Жорий йилнинг март ойида Хоразм вилояти маҳаллалари аҳолисини учун навбатдаги «Экосан» саломатлик поездини жўнатиш дастурдан ўрин олганди. «Саломатлик поезди» Хоразмга сув чиқарувчи насосларни элтмоқда. Эрон ҳукумати томонидан Оролбўйи минтақасига хайрия тариқасида берилди. Топширилган насосларнинг жами қиймати 35 минг АҚШ долларини ташкил этади. Шунингдек, «Саломатлик поезди» мазкур минтақага дезинфекциялаш воситаларини ҳам олиб борапти.

Мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес кенг ривожланмоқда. Энг муҳими, ишбилармонлар юртимиз иқтисодий равангага ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Аммо гуруч курмакисиз бўлмаганидек, ўз манфаати йўлида амалдаги қонунарни четлаб ўтувчи «тадбиркор»лар ҳали-ҳануз учраб турибди.

Тошкент шаҳар прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан иқтисодиёт соҳасидаги қонунбузарликларга қарши курашиш, тушумларнинг бюджетга тўлиқ тушишини таъминлаш ва яширин иқтисодиётнинг шаклланиш йўлларини аниқлашга қаратилган бир қатор тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бошқарма томонидан ўтган йил мобайнида 462 та ҳолатдан 24 миллиард сўмга яқин қонунчилик нақд пул айланмаларининг аниқланганлиги бу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилганлигидан далолатдир. Айни пайтда Вазирилар Мақамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори

«Ишонч» фош этади

лион 15 минг сўм нақд пул борлиги аниқланди.

«Поклик» масъулияти чекланган жамиятида Д.Беляев ва Б.Собировлар М.Каримқулов номидан фирма ҳисоб рақамига келиб тушган пулларга ҳар хил базалардан спиртли ичимликлар со-

рий қонун-қоидаларни билмаслик оқибатида содир этилади. Биргина мисол, «Енита таъмир» хусусий фирмаси 4 миллион 733 минг сўм солиқ тўловларини қасддан яширганлиги аниқланди. Олиб борилган ҳуқуқ-тарғибот ишлари натижасида фирма раҳбари Т. Енгузаров ўз хоҳиши билан давлатдан яширган юқоридаги миқдорни ихтиёрий равиш давлат казинасига тўлади. Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳуқуқ-маъмурият сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Уларнинг фаолият юртишлари учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Шундай экан, бу каби имтиёزلардан самарали фойдаланиб, солиқларни ўз вақтида тўлаб, фаолиятни қонуний давом эттириш энг мақбул йўлдир. Қийматдан ТОШМУРОДОВ, Тошкент шаҳар прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси катта инспектори.

Банклар бозор иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Халқ банки ходимлари ўтган йилдан бошлаб аҳоли кўлидаги бўш маблағларни омонатга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратдилар.

ХАЛҚ ХИЗМАТИДАГИ БАНК

Шу маънода «Қадрият», «Саховат», «Мустақиллик», «Фахрий», «Сармоя-Плюс», «Тантана» каби омонат турлари ташкил қилиндики, уларга омонатчилар ўз пул маблағларини қўйиб фойда ола бошладилар. Яъни, Халқ банки аҳолининг энг ишончли ҳамкорига айланди.

«Бугунги кунда банкимиз муассасаларида вилоят бўйича уч юз элликдан ортиқ шохобча фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди Халқ банки Қашқадарё вилоят бошқармасининг бошлиғи Норбобо Усмонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ҳар бир маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинлари, йирик корхона ва ташкилотлар, ўқув юртлари қошида миқозларга кенг кўламда тез ва пухта хизмат кўрсатиляпти. Бўлимларимиз ва шохобчаларимизда замонавий серверлар, энг замонавий компьютерлардан фойдаланмоқдамиз. «Туркистон-пресс»

ЯШИРИЛГАН МИЛЛИОНЛАР

«Анап Сервис» хусусий фирмаси раҳбари А.Поповлар ноқонуний аниқлашга қаратилган бир қатор тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Бошқарма томонидан ўтган йил мобайнида 462 та ҳолатдан 24 миллиард сўмга яқин қонунчилик нақд пул айланмаларининг аниқланганлиги бу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилганлигидан далолатдир. Айни пайтда Вазирилар Мақамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарори

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ, МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

Фидокор халқимизни ҳамда соҳа ходимларини энг улуг, энг қадрли байрам —

НАВРЎЗ

билан самимий қутлайди!



*Озод ва обод Ватанимиз равнақи
йўлидаги меҳнатингиз баракали бўлсин!*

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Матлақимиз фрекаронари

ва республикамиздаги барча

тиббийёт ходимларини

Наврўзи олам

билан самимий

муборақбод этади.

Қалбингизни баҳорий

кайфият асло

тарқ этмасин!

Аёл меҳри, гўзаллиги каби умрбоқий БИНОЛАР

Аёлни ардоқла, кўнглига қара - Аяма ер юзин гавҳарларини. Хофиздай танти бўл, холига бахш эт Дунёнинг энг гўзал шаҳарларини.

Қадим Шарқда аёлни эъзозлаш, унга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш фахр-ифтихор саналган. Хатто буюк жаҳонгирлар - қудратли шоҳлар ҳам аёл зотиға юксак эҳтиром рамзи сифатида афсонавий қошоналар бунёд этишган. Масалан, Ҳиндистоннинг Жамна дарёси соҳилидаги етти мўъжизанинг бири, тенгис мейморий обиди - Тоҷмаҳал ҳам буюк муҳаббат тисолидир. Бобурийлар империясининг шавкатли султонларидан бири бўлмиш Шоҳ Жаҳон 1630 йили суякли рафикаси - ҳуснда танҳо маликасида айрилади. Мумтозбегим ўн тўртинчи фарзандини дунёга келтириб ҳаётдан кўз юмади. Ҳижрон азобда қолган Шоҳ Жаҳон суякли ёри хотираси учун бетакорор мейморий обиди қуришга фармон беради. У бино гўзал бўлиши учун бор молу дунёсини, хазинасидаги дуру гавҳарларини аямайди. Тоҷмаҳални бунёд этишга Қандаҳор, Бағдод, Бухоро, Самарқанд, қўйинги, Шарқнинг энг моҳир усталари жалб этилади. Бино деворлари лаъл, забарҳаддан ишланган нақшлар, нафис гуллар суратлари билан безатилади. Фақатгина қабр тошининг ўзига ўша давр ҳисоби билан мисли қўрилмаган маблағ - 40 миллион рупий сарфланади. Аёлга бўлган буюк муҳаббат натижасида қад ростлаган Тоҷмаҳал ҳали-ҳануз бутун инсо-

ниятни ҳайрат уммониға чорлаб турибди. Ёки Бухорои Шарифдаги Нодираи Девонбегии мадрасасини олайлик. Лабиҳовуз қаршида куёшининг заррин нуруларида товланаётган нақшкор мадраса, беихтиёр, меҳрдан, муҳаббатдан сўз очади. Ривоятларға кўра, ўтмишда Амир ўз хазиначиларидан бириға катта ишонч билдириб, узоқ хорижий давлатға хизмат сафарига жўнатибди. Йиллар ўтибди. Ҳазначи ўз юртиға қайтар чоғида суякли хотиниға арзирли совға олиш ниятида бозорларни узоқ айланибди. Ниҳоят бир ҳинд савдогаридан қимматбаҳо ёқутлар билан безатилган бир жұфт тилла балдоқ сотиб олибди. Суякли хотини Нодиранинг эса неғадир бу совғадан кўнгли тўлмабди. Ҳазначи қабул қилинмаган совғани олиб, бозорда бир неча сандиқ тиллаға пуллабди. Ана шу тиллаларға Бухоронинг энг серғажум жойи - Лабиҳовуз қаршида мейморий мажмуа бунёд этибди. Бу бетакорор мадрасани суякли хотини номи билан Нодираи Девонбегии деб атабди. Гўзал хотиниға эса шундай дебди: - Бу иморатлар мендан сизға тўхфа, сиздан авлодларға ёдгор бўлиб қолади... Дарҳақиқат, аёл Оллоҳнинг мўъжизаси. Унга бўлган юксак меҳр-муҳаббат натижасида эса бетакорор, мўъжизакор мейморий иншоотлар қад ростлаган. Бу бинолар аёл меҳри, гўзаллиги каби умрбоқийдир.

Марҳамат МАТВАФОВА.



ШАНБА ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ҲИКМАТ

Ҳар бир одам нима-дир бажармоқ учун дунёға келади. Ер юзида яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор.

Э.ХЕМИНГУЭЙ.

БЕМИННАТ НОНИМ

Халқимнинг меҳридан оламан қувват, Нозу неъматларға мўл дастурхоним. Шукрурлар бўлсинки, хамроҳим меҳнат, Шул сабаб беминнат бир бурда ноним.

Унинг шарофати келтиради бахт, Ватанимға бойлик, тиниқ осмоним. Дилға қувонч келар, тилларимға байт, Тер тўкиб топганим - шириндир ноним.

Меҳнатим туфайли қаддим буқилмас, Қувончларға тўла ҳар кун, ҳар оним. Мукофот ўрниға раҳмат олсам бас, Бир умрға кам бўлмас, бутундир ноним.

Карим МУХТОРОВ.



Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари

Ёш ижодкор Фазу Шержоновани излаб Кегейли туманиға борганимда, тўғриси, кўпчилик ёшларға ўхшаган шўх-шаддоқ қизни учратаман, деб ўйлагандим. Тасаввурим панд берди. Илк суҳбатданок қаршимда жуда ёш бўлишиға қарамай, катталарға хос вазмин, табиятан мулойим, сермулоҳиза, фикри теран, оқила инсон ўтирганини ҳис этдим. - Кечирасан, неға сенинг исминг қорақалпоқларниқига ўхшайми? - деб сўрадим беихтиёр суҳбат орасида. - Исминми онамнинг опаси - Балуса холам

КЕГЕЙЛИ ОСМОНИДАГИ МИТТИ ЮЛДУЗ

Кўйган,- дейди Фазу мийғида қулиб. - Догистон ёзувчиси Фазу Алиеваға хавас қилган экан. Онаси катта қизлари Клара, Баян, Бағила қаторида Фазуға ҳам ёшлиғидан тикувчилик сирларини ўргатишға қанчалик уринмасин, ният холис эканми, фойдаси бўлмади. У қўлиға игна ўрниға қалам тутаверди. Катта қизлари онаси сингари чевар тикувчи бўлди. Фазу эса... Фазу болалиқдан шеър машқ қиларди. Илк шеър 1997 йили «Кегейли турмиси» газетасида «Ватан» деган ном билан чоп этилди. Кўп ўтмай, Фазу дўстининг бошидан кечирганлари ҳақида «Қайлардасан, онажон» деган новелла ёзиб, тахририятға олиб борди. Газета муҳаррири Жиенбой оға Мўнамов «Кизим, насрга анча қўлинг келар экан. Шу йўлни танлаганинг маъқул», деб маслаҳат берди. Устоз ўғитларига қулоқ тутиб, ижод қилган ёш қаламкашининг «Талант зангламайди», «Тақдирнинг иши қизик-да» номли дастлабки ҳикоялари «Қорақалпоғистон жаслари» газетасида босилиб чиқди. Кейинчалик «Амударё» журналида, «Санам» журна-ли, «Оила ва жамият» газетасида бир неча ҳикоялари ўзбек тилида чоп этилди. Бу йил «Саодат» жур-налида «Бойқуш ҳақида ривоят» ҳикояси ўқувчилар эътиборига хавола этилди. «Билим» нашриётида «Муҳаббат бандаргоҳи» номли китоби босилди. Ёш ижодкор яқинда «Ўйланмаганининг туби вайран» (Ўйланмай қилинган ишининг оқибати хароб) деб номланган кассасини ёзиб тутатди. Асарда тасвир-ланишича, бевелиска пул топиб, онгил-елли кун кечиршиға одатланган Уринбой фарзандларининг, кўз очиб қўрган аёлнинг қадриға етмади. Уларға хиёнат қилиб, ёш жувоннинг эстагиға илакишиб кетди. Оқибатда чирқираб қолган гўдақлар уволи тутди уни... Тумандаги қурилш қасб-хунар коллежида «Газ технологийаси» бўйича таҳсил олаётган Фазу Шержонова коллеждаги «Дармон» клубининг фаол аъзоси. У бу ерда устози Ойсара Абдиқалиевадан ижод сирларини кўнл билан ўрганмоқда. Турли тадбирларда қатна-шиб, кўпчиликнинг назарига тушган Фазу Шержоно-ванинг номзоди Зулфия номидаги Давлат мукофотиға тавсия этилганида ва у бу шарофат сазовор бўлган-ида ҳаммадан кўра онаси кўпроқ ҳаяжонланди. - Эндиғина тетапола бўлаётган кизимға бундай юк-сак мукофот насиб қилишини ҳеч ўйламагандим, - дейди Дамеғул ая Қалимбетова. - Афсус, кизим-нинг бугунги камолини отаси кўрмади. Беш ўғил, тўрт қизни ҳам ота, ҳам она ўрнида тарбиялаётган Дамеғул опа умр бўйи «Маиший иж-мат уйи»да тикувчилик қилди. Фарзандларини оқ ювиб, оқ тарари. Уларнинг олти нафарни уйли-жойли бўлиб, уларидан тиниб кетишди. Бугун ая кенжаси Омонтой билан Фазунинг «тубли-жойли, ой бахтли, олтин тахтли» бўлишини орау қилиб яшамоқда. - Улуғ шоира Зулфияхоним номидаги мукофотни олар эканман жудаям ҳаяжонланиб, тўлқинланиб кет-дим, - дейди Фазу. - Ёшларға шу қадар эътибор бераётган Президентимиз ва давлатимиз ишончини оқлаш, халқимиз меҳрини қозониш учун ҳали кўп ижод қилишим, жаҳон классикларининг дурдона асарларини кўп ўқишим зарурлигини ҳис қилдим. Озод Ўзбекистон, бепоеён Оролбўйи манзаралари, юртим Кегейлининг жамоли кўз ўнгимдан ўтди. Шу тупроқнинг фарзанди эканлигимдан фахрландим.

Аминбой ОРТИКБОВ, Уза МУХБИРИ.

Саломатлик неъматлари

ИЛИК УЗИЛДИ

кезларида баҳорнинг шифобахш неъматларидан кўпроқ баҳраманд бўлинг

Соғлигингиз яхши-лигини наҳорда ва ба-ҳорда дилинғизнинг шодликка тўлишдан билинг.

Г.ТОРО.

Баҳорға ўтиш даврида инсон организмида ҳар хил ўзгаришлар содир бўлиб, витамин, минерал моддалар, микро ва макро элементларға эҳтиёж ошиб боради. Бундай фаслий толиқиш, чар-чаш, ҳолсизланиш, ҳалқ иборасида «илик узилди» даври деб таърифланади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино баҳорда турли хил дон маҳсулотларидан тайёрланган таом-лар, қўкма қўқатлари, мева ва сазавотлар истеъмол қилишни тавсия этган. Чунки уларнинг таркибида турли витаминлар, оксил, эфир мойи, кислоталар ва бошқа биологик актив моддалар бор. Биз қуйи-да шифобахш ва қувватбахш доривор ўсим-ликлар ҳамда улардан тайёрланган миллий та-омлар ҳақида фикрлаша-миз.

ЯЛПИЗ

Ялпиз таркибида эфир мойи, органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, рамноза, глюкоза, рутин, С витамини, ми-нерал тузлар ва бир қатор фойдали моддалар мавжуд. Ялпиз жуда қадим за-монлардан бун халқ та-бобатида кенг қўлмда фойдаланиб келинадиған хосиятли гиёҳ ҳисобла-нади. Ибн Сино ялпиз билан икак оғриқларини даво-лаган. Уни овқатни ҳазм қилишни яхшиловчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўқтатувчи, қайт қилиш-ни қолдирувчи восита сифатида тавсия этган. Халқ табобатида ялпиз-

нинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси тиш оғриғи, оғиз қарши, милк яллиғланишини даво-лашда қўлланилади. Шу-нингдек, ялпизли қайнама истиҳо, қўтир, бод, сарик, ширинча, йўтал ва бошқа касалликларни даволашда яхши фойда бериши аниқ-ланган. Ялпиздан тайёр-ланган сомса, манти, чуч-вара инсон саломатлигини яхшилашда муҳим аҳамият-ға эға.

ДАРМОНДОРИ

Беданинг таркибида гли-козилар, эфир мойи, ку-марин ва салцил кисло-талари бор. Халқ табоба-тида беда ўпка хасталик-лари, камқонлик, ревма-тизм, хафакан касаллиги, йўтал, яллиғланишға қарши восита сифатида, дахлама ва шарбати эса тери куйи-ши, тери-яра касалликларида қўлланилади. Айни баҳор дамлари беда ўт-дан турли-туман таомлар пишириб, истеъмол қилиш инсонға дармон бағишлай-ди.

ШИВИТ

Шивит таркибида эфир мойи, флавоноидлар, А, В, РР витаминлари, каро-тин, фитонциллар, минерал тузлар ва бошқа моддалар мавжуд. Табобатда тинч-лантирувчи, ел, сийдик ҳайдовчи, йўтал, яллиғ-ланишға қарши, сутни кўпай-тирувчи восита сифатида тавсия қилинган.

Замонавий тиббиётда шивит ўтининг дахламаси қон босимини туширувчи, юрак-қон томирларини кенгайтирувчи дори сифа-тида ишлатилади. Шивит истеъмол қилинганда меъ-да шираси ажралиши, ўт ҳайдалиши яхшиланади.

КЎК ПИЁЗ

Кўк пиёз таркибида жуда кўп миқдорда фитон-

цитлар, эфир мойи, каро-тин, Е, С, В, В6, В15, био-тин, фолицин витаминла-ри, органик кислоталар, калий, кальций, кремний, натрий, фосфор, хлор, те-мир, йод ва бошқа орга-низм учун зарур бўлган элементлар бор. Кўк пиёз иштаҳани очиб, овқат ҳаз-мини яхшилайди. Кўк пиёз антитромбоз хусусиятиға эға бўлиб, юрак ишемия хасталиғи, хафакан касал-лиги ва уларнинг асорат-лари олдини олиши аниқ-ланган.

МЎЪЖИЗА ЎТ

Газанда ўт таркибида каротин, С, К, В2 витамин-лари, чумоли кислотаси, эфир мойи, органик кисло-талар, гистаминлар, ош-ловчи ва бошқа фойдали моддалар бор. Азалдан халқ табобатида газанда ўтидан тайёрланган қай-натмалар қон тўқтатувчи энг яхши восита бўлиб ҳисобланган. Усимлик бар-гларидан тайёрланган да-хлама, қайнатма ва ўсимлик қуқни безгак, нафас қис-ши, бурун ва оғиздан қон келиши, қўқрак оғриғи, ба-восирға энгиллик бериб, балғам кўчирувчи ҳамда пешоб ҳайдовчи омил сифа-тида ишлатилади. Унинг мурғак баргларидан баҳор-да қўқатли сомса, манти, чучвара, нордон-кўнгило-чур шарвалар тайёрлаб истеъмол қилинади.

ГУЛҚОҚИ

Гулқоқи қўқати таркиби-да, шунингдек гул тўпла-ларида В2, С витаминла-ри, органик кислоталар, ксантофиллинлар-лютеин ва параксинтин, кароти-нонли моддалар мавжуд. Усимликнинг илдизларида эса инулин, қанд, глико-зид, қатрон, сапонин, органик кислоталар, ма-

«ЛОЧИН» ЛОЧИНЛАРИ

Самарқанд тумани-да «Лочин» қаратэ-до клуби ташкил этилган-иға икки йилча бўлиб қолди. Шу қисқа вақт ичида бу ердан уч нафар мам-лакат, қирқдан зиёд вилоят чемпиони ети-шиб чиқди. Клуб ташкилотчили-ри - Ўзбекистон че-мпионлари Шуҳрат Са-мадов ҳамда Икром Собиров 27-мактаб спорт залини ижараға олиб, болаларға қар-тэ сирларини ўргата бошлаган эди. Бугун икки юздан зиёд бола машғулотларда мунта-зам иштирок этмоқда. Клубнинг Толиб Жали-лов, Гулжаҳон Собиро-ва, Обид Собиров, Улугбек Мухторов син-гари аъзолари мамла-кат биринчиликларида бир неча бор голиблик шохсупасиға кўтари-лишға ҳам улгурди.

ОТҚУЛОҚ

Отқулоқ аслида ёввойи шовулдир. Отқулоқ тур-лари таркибида С, К ви-таминлари, антрагико-зидлар, флавоноидлар (рутин ва бошқалар), эфир мойи, смола, орга-ник кислоталар, ошловчи ва бошқа фойдали мод-далар мавжуд. Халқ табобатида отқу-лоқ илдизидан, баргидан ҳамда мевасидан тайёр-ланган қайнатма ёки дахлама ик кетиш, ди-зентерия, икак яралари ва бошқа касалликларни даволаш учун ишлатила-ди. Қуритилган барил-дан олинган шира билан қўтир, темиртки ва яра-лар даволанади. Янги униб чиққанда отқулоқ барглари қўқатлар билан чошиб қийма қилинади, жиэза, қўқпиёз қўшиб қўқ сомса, чучвара, манти ва бошқа таомлар тайёрла-нади.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

САВДО УЙИ СОВФАЛАРИ

Бугунги кунда тикувчилик йўнали-ши бўйича ихтисослик бериш билан шуғулланаётган қасб-хунар коллеж-лар сони ортиб бормоқда. Бу соҳа билан Тошкент шаҳридаги 26 та қасб-хунар коллежида ўқув машғу-лотлари олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда ёш мутахас-сисларға пухта билим ва амалий кўникма беришда Тошкентдаги «Паффаф-зингер» савдо уйида таш-кил этилаётган машғулотлар ҳам му-ҳим аҳамият касб этмоқда. Бу дар-гоҳ шу соҳаға ихтисослашган кол-лежларни махсус асбоб-ускуналар билан таъминлашда яқиндан ёрдам кўрсатапти. Бу ҳар хил либослар моделлари-ни тикиб чиқаришда коллеж ўқувчи-ларини ижодкорликка ундамоқда. Яқинда республикамиз поштахтада ташкил этилган замонавий либослар қўрик-танлови голибларини тақдир-лаш учун «Паффаф-зингер» немис савдо уйи томонидан махсус совға-саломлар ажратилди.

А.АЛИЕВ.

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Муассис: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Босишға топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Маъзилмас: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қураткичи: 133; 134
Газетаға 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона маъзилмаси: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.